

Коробуњбозор гучин сургаючай бўни (кейинги ўринларда "Корхона" деб юритилади) нинг
жиззат асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Х. Салимов бир тарафдан ва Коробуњбозор Энергия ташимотини ўринларда "Истеммолчи" деб юритилади нинг Ж. Жуман асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б. Р. Аслеконов иккичи тарафдан тизимдаги хисоб вараги -

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармок орқали Истеммолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеммолчи эса кабул қилинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган куввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеммолчилар олинган Энергиядан ташкири, яна талаб этилган хар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида катнашувчи ҳакиқий максимал кувват (кейинчалик "Кувват") учун ҳак тўлади.

II. ЭНЕРГИЯ МИКДОРИ

2.1 Энергия истеммолининг йиллик шартномавий ҳажми 6013 кВт.с. ни ташкил қилади.

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий суммаси 2705 850 сўмни = тийин Кувватнинг нархи 450 сўм = тийинни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.
Шундан,

бюджет маблаглари хисобидан 2705 850 (уккуш шиншил ётми юз беш минус саъдиз ижум ³⁰ тийин)

2.3 Корхона Истеммолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган микдорда еткази беради.

2.4 Корхона томонидан Истеммолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) микдори Энергияни (Кувватни) хисоб олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аникланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеммолчиларнинг хисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни хисобга олишнинг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеммолини автоматлаштирилган хисоб олиш ва назорат килиш тизими билан мос келиши, Истеммолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат киёсловидан ўтиши ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамгаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли карорининг 1-иловасида Табии монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеммолчилар учун Энергия ташимотининг йиллик минимал ҳажми 6013 кВт.с.ни ташкил қилади.

III. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун хисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеммолчи ўртасида хисоб-китоб килиш учун активва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг хисоб олиниши электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) хисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармогининг чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкалаги Энергиянинг технологик сарфинини ҳажми Истеммолчи билан биргаликда хисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолла (4-илова) аникланади ва ҳак тўлашда ушбу электр тармогининг баланс бўйича мансублигига караб, Корхона ва Истеммолчи хисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеммолчи билан биргаликда хар ойда энергия ва кувватнинг ҳакиқий сарфини аникланаш учун хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеммолчи келгуси хисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 30 фоизи микдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеммолчи хисоб-китоб даврида ҳакиқий истеммол килган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқкан ҳолда хисоб-китоб киладива тўлиқ тўловларни наабатдаги ой бошлангунга калар амалга оширади.

Истеммол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеммолчининг карздорлиги, шартномала белгиланган микдордан кўп истеммол қилингандиги учун жарима ва пения мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблаглари карздорликни тутатишга ўнналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида хисобга олинмайди.

3.5 Корхона хар ойнинг 25 санаасигача Истеммолчи билан биргаликда хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, хисоблагичларнинг тартиб ракамларини ҳамда истеммол қилинган электр энергияси тўгрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда хисоботни расмийлаштиради (5-илова).

Хисобот асосида Корхона тегишили хисоб-китобин амалга ошириди (б-илова) ва Истъмолчи хисоб-фактурани олади. Истъмолчилар турли тариф гурухларига тегишили булган бир нечта объект мавжуд булган таклирда хисоб-китоблар жар бир объект бўйича кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура ёзилади.

Хисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни хисобга олганда Истъмолчининг картдорлиги аникланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк оркали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истъмоли хакида хисобот тақдим этилмаса ёки хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзб олинимаса, Корхона томонидан хисоб-китоблар истъмолчининг шартномавий майдори бўйича, кейинчалик Истъмолчи билан бирга аникланган хакикий истъмол килинган Энергия учти кайта хисоб-китоб килган холда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белтиланган тартибида тўлов талабномаси ва хисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карори билан тасдикланган Электр энергияси истъмолчилари ва энергия билан таъминчилари ташкилотлар Уртасидаги ўзаро хисоб-китоблар тартиби тўгрисидаги Низомга хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлариги томонидан тасдикланган Электр энергия тарифларига мувофик амалга оширилади.

Истъмолчиларни тегишили тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иессиклик энергияси истъмолчиларининг тариф гурухлари тўгрисида низомга мувофик белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истъмолчи етказиб бериладиган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлаши керак.

Таърифлар ўзгаргандаги "Корхона" бюджетдан маблаг олувчини хабардор килиши ва томонлар янги таърифлар бўйича кўшимча келишув тузишлари лозим. Кўшимча келишув тегишили Газначилик бўлинмасида ўринатилганда тартибида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳак тўланади.

Бунда, Истъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия майдорига кўшимча ҳак тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истъмолчи ўртасидаги хисоб-китоблар Истъмолчи томонидан Корхонанинг хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истъмолчи Энергиянинг бир кисмини субистъмолчига бир ставкалти тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида катнашувчи юкламаси кийматига камайтирилган Кувват майдори учун ҳак тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта хисобга олиш нуктаси бўйича ўртача облик Энергияси истъмоли 15 минг кВт.соатдан ортик бўлган саноат истъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шахар транспорти, кишлок хўжалиги истъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши холатига ўзаро солиштирувдалолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истъмолини хисобга олиш ва назорат килишининг Автоматлаштирилган тизимига уланган Истъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳак доирасида амалга оширилади.

3.14 Истъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган хажмдан кам истъмол килинса, олдиндан тўланган маблаглар кайтарилмайди ва кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.15 Хисобга олиш прибори Истъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) хисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, хисобга олиш приборидан ташкари электр кабул килгичлар уланган ёки Энергия бошкача усулда ўтиланган холларда, биргаликда иккى томонлама далолатнома расмийлаштириллади ва шу асосда Корхона Истъмолчини электр тармоғидан узиб кўйиш хуқуқига эга. Далолатнома асосида хисобга олиш приборлари охирги марта ўзгаририлган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутуни ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр кабул килгичларнинг уланган куввати ва Истъмолчининг 4-иловада кўрсатилган ишлар соатлари бўйича Энергия сарфи кайта хисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истъмолчига тўлаш учун кўшимча тўлов хужжати ёзб беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим килади.

Истъмолчи кўшимча тўлов хужжати бўйича тўловни 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибида конун асосида ундириш чораларини кўради.

Хисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзб олиш улаш схемасини текшириш деб хисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТҮХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истемолчи томонидан Корхона билан биргаликда, Энергияни чеклаш ва узб кўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват таъкислиги холларидаги ягона электр энергетикаси тизимининг баркарор параллел ишлашими таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш хамда истемолчиларнинг тартибсиз узб кўйилишини бартариф этиш учун чеклаш ва узб кўйиш жадваллари ишлаб чикилади.

Узб кўйиш жадваллари Истемолчи томонидан Корхона вакилларидан узб кўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дархол амалга киритилади.

Ушбу билдиришнома Истемолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истемолчини огоҳлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истемолининг белгиланган даражада камайиншини таъминловчи микдорда Энергия бўйича мажбурий равнишда чеклайди.

4.2 Электр тармоги хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартариф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиқтириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истемолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан, бирок уни дархол хабардор килган холда, Энергия узатишда узб кўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Кўйидаги холларда Корхона Истемолчига Энергияни етказиб берилшини тўхтатиш ва узб кўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хукукига эта:

а) Энергия (Кувват) шартномавий микдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истемолининг белгиланган режими бузилганда;

б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истемол килинганда;

в) "Ўзстандарт" агентлиги томонидан киёслашдан ўтказилган Энергияни хисобга олиш приборлари бўлмаганда;

г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлов тўланмаганда;

д) Корхона тармокларига электр кабул килгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган микдордан ошириб юборилганда;

е) электр кабул килгичлар хисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни хисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан хисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;

ж) Корхона вакили хисобга олиш приборларини кўришга кўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узб кўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (маҳсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилгандар) саноат корхоналаридаги карздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳак тўланмаганини учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узб кўйиш эса – факат суд карорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юкорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармокларига кайта улаш ва Энергия етказиб берилшини тиклаш ишлари Истемолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар коплантанидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истемолчининг хуқуклари:

а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларни шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб килиш;

б) Энергияни электр тармокларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб беришни талаб килиш;

в) электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергияни сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб килиш;

г) Корхонанинг электр тармоги хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узб кўйишгача камидаги 3 сутка олдин огоҳлантиришни талаб килиш;

д) Энергияни тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергияни шартномавий микдорини ўзгаришини талаб килиш;

е) Олдиндан ҳак тўланганлигидан катъий назар Энергияни шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгаришини талаб килиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгаришилардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилниши лозим.

5.2 Истемолчининг мажбуриятлари:

а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) келгуси хисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳак тўлаш;

в) Электр қурилмаларини зарур техник холатини ва Истемолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация килишда Хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килиниши хамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

- г) 7-жловага мувофик компенсация курилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истемоли) риоя килиш;
д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларнида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.
Истемолчи Корхонанинг талабига кўра кўйидагиларни хисобга олиши ва хабар килиши шарт:
- истемол килинёттган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалар, ойлик сарфлари ва хакикий микдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) хар
суткаларини сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) хар 30
даликкадаги сарфи.

5.3 Корхона кўйидаги хукукларга эта:

- а) шартномала белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб килиш;
б) хисоб-китоб даврининг хар кайси кунига ўзаро хисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;

б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармоқларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз
етказиб берниш;

в) Истемолчиларга Энергияни етказиб берининг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум килиш;

г) жорий этиладиган чеклашлар хакида, чеклашнинг ҳажми ва вактини кўрсатган холда, ўз вактида хабар килиш;

д) Истемолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошка
бузилишлар хакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва
батсафил жавоб юбориши;

е) Истемолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик

5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартирнишлар киритиши, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини
кўпайтириши (камайтириши), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истемолчига рад этишининг сабабини кўрсаптан
холда ёзма шаклда хабар килиши.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган хакикий заарар айбор тараф
томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фойзидан ортик
микдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истемолчига бажарилмаган
мажбуриятлари суммасининг 0,1 фойзи микдорида пения тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган
Энергия нархининг 50 фойзидан ошмаслиги керак. Пения тўланиши Корхонани шартларини керакли ҳажмда
бажарилсан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги
натижасида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вактида ҳак тўламаса, Истемолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар
бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фойзи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фойз) микдорида
пения тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фойзидан ошмаслиги керак.

Пени хисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб хисобланади.

6.4 Истемолчи хисобот даврида шартномада кўрсатилган микдорга нисбатан 5 фойздан ортик Энергия истемол
килганда, хисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортик истемол килинган жами ҳажм учун белгиланган
тарифининг 50 фойзи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-банда кўрсатилган холатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан
Истемолчининг таклифи бўйича хисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий
ҳажмларига киритилган ўзгартирнишлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истемолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истемолчи Энергия истемолининг белгиланган режимида риоя килмай, Энергия истемоли ёки Кувватнинг
шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истемолини чеклаш
жадвалини бажармаган суткаларда паст-сифатли Энергия етказиб берилганинги учун;

б) захира манбанинни автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли Учиришларнинг ишлаш
вактида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истемолчи олдида моддий жавобгир бўлмайди.

6.7 Истемолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланиши соатларнида амалдаги юкламаси
шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фойздан ортик бўлган тақдирда, хисоб-китоб даврининг охрида амалдаги
юкламанинг ортикча бутини кисми учун кайта хисоб-китоб килинади ва белгиланган тарифининг 50 фойзи микдорида кўшимча
ҳак ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳак тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу
шартномада талаб этилганидан ортик Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор холатлари, яъни синги бўлмайдиган куч (фавкулодда ва муайян шароитларда олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, куртоқчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошка табиий оғатлар) бўлди бажармаган ёки лозим даражада бажармаганинги ишботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил-28 февралдаги 594-сонли карорига мувофик, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал килиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор килиш ёки ўзгартирниш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади. Бундай ариза шартнома амал килиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим килиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартерилиши мумкин (Бюджетдан маблаг одувчилар учун 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан амал килиш муддати "31" декабрь 20 ___ йилгacha белгиланади.).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад утишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартериш: факат конун хужжатларида назарда тутилган холларда йўл кўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси "Электр энергетикаси тўғрисида"ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли карори билан тасдикланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ва бошка конун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал килинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал килинади.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Корхона»

Чаревубозор эмальт тармоқи
Почта манзили Чаревубозор ш. ю. ю.
Хисоб раками 22636000600 487303328

Банк коди (МФО) 00086

СТИР (ИНН) 201188400

Телефонлар: 364-40-93

Факс:

Статистик кодлар:

ДБИБТ (СООГУ)

МИОБТ (СОАТО)

16 Генонов
Ф.И.Ш. амзо
М.У.



«Истеммолчи»

Коревубозор тумон ишргачи бўлиш
(бюджетдан маблаг одувчининг номи)

Манзил: Кореш шах нуғаси зуд

Тел./факс 95-604-05-31

Фax/x 23401000100100001010

Банк номи Марказий банк

МФО00014 ИНН 305088360

ш/x 100022860062327042402170001

х/р

Рахбар Газистоник таъминотининг номи
Х. Салимов
(Ф.И.Ш.)
М.У.



Етказиб берилеттган Энергия (Кувват)нинг микдори

5

- тариф гурухи
фазолят түри Ташкент өңгөрлигін сүб
 3. Истемолчининг электр курламаларини улдиган куввати: 400 кВА, (кВт)
 4. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича):
 5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича амалдаги тоифаси:

	Талаб этталган Кувват, кВт	Энергия микдори, кВт.с	Жумладан тариф гурухлари бўйича				
			1	2	3	4	5
Нил, жами I чорак	6013						
Январ	6013						
Феврал	3004						
Март	3004						
II чорак	3005						
Апрел							
Май							
Июн							
III чорак							
Июл							
Август							
Сентябр							
IV чорак							
Октябр							
Ноябр							
Декабр							

2-устун Икки ставкали истемолчилар томонидан тўлдирилади.

Имзолар:

